XALQ DEPUTATLARI OLTIARIQ TUMAN KENGASHI
Q A R O R I

150200, Oltiariq t., Mustaqillik k., 90-uy, tel: (73) 432-06-93

2021 - yil 12 - iyul VI-35-1-11-151-K/21 Oltiariq tuman hokimligi

Халқ депутатлари Олтиариқ туман Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6075 Фармони ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Олтиариқ тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27-сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони билан 2021 йил 1-июнга қадар маҳалий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Халқ депутатлари Олтиариқ тумани Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Олтиариқ тумани ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари (Ф.Махмудов) мазкур қарорни расман эълон қилинишини ва Кенгашнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Олтиариқ туман Кенгашининг "Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича" доимий комиссия раиси А.Исақов зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Х.Ниёзов**

Халқ депутатлари Олтиариқ туман
кенгашининг
2021 йил 12 июлдаги
VI-35-1-11-151-K/21-сон қарорига
1-илова

Халқ депутатлари Олтиариқ тумани Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари

РЎЙХАТИ

1. Халқ депутатлари Олтиариқ тумани Кенгашининг 2015-йил 29-декабр кунги “Олтиариқ тумани маҳаллий бюджетининг 2016 йил асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги 1/XV-V-сонли қарори;

2. Халқ депутатлари Олтиариқ тумани Кенгашининг 2016-йил 30-декабр кунги “Олтиариқ тумани маҳаллий бюджетининг 2017 йилги параметрлари ҳақида”ги 1/XXX-V-сонли қарори;

3. Халқ депутатлари Олтиариқ тумани Кенгашининг 2017-йил 31-декабр кунги “Олтиариқ тумани маҳаллий бюджетининг 2018 йилги параметрлари ҳақида”ги 1/XXXXII-V-сонли қарори;

4. Халқ депутатлари Олтиариқ тумани Кенгашининг 2018-йил 28-декабр кунги “Олтиариқ тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилги параметрлари ҳақида”ги 1/LX-V -сонли қарори;

5. Халқ депутатлари Олтиариқ тумани Кенгашининг 2019-йил 17-декабр кунги “Олтиариқ туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1/LXXVI-V -сонли қарори;